

Эски шаҳар ижрокўмининг ёрдами билан ўзбек давлат труппаси ва кишлик «Турон» биноти яхши йўлга солиниб келмакдир. Ижрокўмдан белгиланган вакилларнинг ташаббуси орқасида ҳозир «Турон» сахнасининг декоратсиялари учун икки рассом ишлаб туради. Саҳнанинг бошқа кам-қўстлари учун яна иккита дурадгор уста солинди. Бундан сўнг сахнада қор, ёмғир ёғдириш, ой-кун чикориш, шамол, булут кўзготиш, ёруғлик, қоронғилик қилиш учун керак бўлган асбоблар буюртилмоқдир. Шу ишларнинг ҳаммаси январнинг яримларида тамом бўлгусидир.

Декоратсияларнинг кўпайиши, жиҳозларнинг ортиши саҳнанинг тузалиши натижасида Эски шаҳар халқи январ ойидан бошлаб гоят жиддий ва зўр санъат асарларини томоша қилмоққа муваққат бўладилар. Январ ойида декоратсия ва янги жиҳозлар билан тўла мукамал қилиниб ўйналатургон асарлар шунлардир.

7 ва 8 январда турк адабларидан Шамсиддин Сомибекнинг қадим эрон асотиридани олиб ўзгача «Ковани оҳангар» қили томошаси 14 январда машҳур немис адаби Шиллернинг «Макр ва Муҳаббат»и, 16 январда мазкур адабнинг «Босмачилар»и, 21 ва 22 январда Гоzi Юнуснинг Эрон асотирига оид «Захҳои Морон»и, 28 январда яна Шиллернинг «Босмачилар»и қўйилгусидир. Бу асарлар маданий миллатларнинг энг юксак сахналарида ҳам кўп ўйналатургон, жиддий ва оғир нарсалардир. Бунларни ўйнамоқ, халқ олдида шу қадар жиддий нарсаларни жонлантириб кўрсатмақ бизнинг ёш труппамиз учун қатта бир имтиҳон қабидир. Ўзбек труппаси шу нарсаларни ўйнамоқ билан ўз қучига бир қўриш (маневра) ясаб ўткан бўладир.

Ўзбек труппаси феврал ойи ва ундан сўнгги ойлар учун ҳам «Фарҳод ва Ширин», «Ёркиной», «Чин Темур ботир», «Ўзунқулоқ бобо», «Шайх Санъон» қабии жиддий асарларни белгиланган.

---

Ўзбек давлат труппасида — «Янги Фарғона», 1928 й. 22 октябрь.

Муваққат — матбаа хатоси бўлса керак, муваффақ.

Қадим очун — қадимги дунё, антик дунё.

Шиллер (1759—1805) — немис шоири, драматурги, санъат назарийчиси. «Босмачилар» — тўғрироғи, «Қароқчилар» драмаси 1781 йилда, «Макр ва муҳаббат» 1784 йилда ўзилган.

«Фарҳод ва Ширин» — Хуршид пьесаси.

«Ўзунқулоқ бобо» — мақола мазмунидан англашиладики, Чўлпоннинг мазкур пьесаси сахналаштирилган ёхуд шунга тайёр бўлган.

«Чин Темур ботир» — бу ўринда қайси асар назарда тутилганини аниклашга муваффақ бўлмадик.